

---

## Вилоятнинг энг намунали сардорлар кенгаши аниқланди

Фарғона шаҳрида ёшлар ишлари агентлиги, ёшлар иттифоқи, туман маънавият ва маърифат маркази ҳамда халқ таълими бўлими ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган “Энг намунали Сардорлар Кенгаши” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Камалак” болалар ташкилотининг мактаблардаги сардорлар кенгашлари ўртасида ташкил этилган танловда туман саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар баҳслашди. Иштирокчилар сардорлар кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларни бадий чизишлар орқали таништирди. Шунингдек, жамоалар бугунги кунда болалар ўртасида долзарб бўлган муаммолар ечими бўйича янги лойиҳаларини саҳнада кўргазмали воситалар орқали ҳимоя қилди. Бундан ташқари, жамоа аъзоларининг билимлари ҳам синовдан ўтказилди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой беллашувда Риштон тумани 20-умумий ўрта таълим мактаб жамоаси биринчиликни қўлга киритди ва танловнинг вилоят босқичи ғолиби сифатида Республика босқичига йўлланма олди. Тадбирда ғолиб ва фаол иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

2022-04-06 14:40:59